



РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тўраев Дилшод

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-9421-8965

turayev.d.x@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада рақамлаштириш орқали хуфёна иқтисодиёт кўламини қисқартириш масалалари таҳлил қилинган. Электрон тўлов тизимларининг жорий этилиши ва тараққиёти, шунингдек, мамлакатдаги хуфёна иқтисодиётни қисқартириш учун таклиф этилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинган. Электрон савдо платформаларининг ривожланиши ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш механизмлари бўйича халқаро тажриба таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, хуфёна иқтисодиёт, электрон тўлов тизими, қўшилган қиймат солиғи, электрон савдо платформалари.

ПУТИ СОКРАЩЕНИЯ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ ПОСРЕДСТВОМ ЦИФРОВИЗАЦИИ

Тураев Дилшод

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы сокращения теневой экономики через цифровизацию. Рассматривается внедрение и развитие электронных платежных систем, а также предлагаемые меры для снижения теневой экономики в стране. Изучен международный опыт развития электронных торговых платформ и механизмы уплаты налога на добавленную стоимость.

Ключевые слова: цифровизация, теневая экономика, электронные платежные системы, налог на добавленную стоимость, электронные торговые платформы.

WAYS TO REDUCE THE SHADOW ECONOMY THROUGH DIGITIZATION

Toraev Dilshod

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the issues of reducing the scale of the shadow economy through digitalization. The implementation and development of electronic payment systems, as well as proposed measures to reduce the shadow economy in the country, are discussed. The international experience in developing e-commerce platforms and mechanisms for VAT payment is reviewed.

Keywords: digitalization, shadow economy, electronic payment system, value-added tax, e-commerce platforms.

Кириш.

Сўнгги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, айрим турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш муддатлари сезиларли равишда қисқартирилди, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган бир қатор маълумотномалар бекор қилинди.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-109-сон қарори қабул қилинди.

Адабиётлар шарҳи.

Хуфёна иқтисодиётни қисқартириш ва рақамлаштириш масаласи халқаро ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан турли жиҳатлардан ўрганилган.

Шнайдер ва Виллемснинг (2013) келтиришича, хуфёна иқтисодиётни қисқартиришда рақамли технологиялар аҳамиятини кўрсатиб, нақдсиз тўловлар тизимини жорий этиш орқали иқтисодиётнинг шаффофлигини ошириш мумкинлигини таъкидлашган. Улар ўз тадқиқотларида рақамлаштириш даражаси билан хуфёна иқтисодиёт кўлами ўртасидаги тескари боғлиқликни математик моделлар орқали исботлашган.

Рақамлаштириш орқали солиқларни йиғиш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий шаффофликни таъминлаш бўйича қатор амалиётлар ўрганилган. Хусусан, Швеция, Дания, ва Норвегияда нақдсиз тўловлар улушининг юқори даражаси хуфёна иқтисодиётни қисқартиришга олиб келган.

Каримов ва Норбоевлар (2020) ўз мақолаларида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши Ўзбекистондаги хуфёна айланмаларни қисқартиришга қаратилган муҳим чора-тадбир эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, солиқ тўловларини автоматлаштириш механизмлари ва электрон савдо ривожини иқтисодиётда шаффофликни таъминлашини кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (2023) таҳлилий ҳисоботлари да электрон тўлов тизимларининг ривожини ва уларнинг хуфёна иқтисодиётга таъсирини бағишланган таҳлиллар. Хусусан, тўлов тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар сони ва ҳажмидаги ўсиш динамикаси кўрсатилган.

Танзи (1999) хуфёна иқтисодиётнинг асосий сабабларидан бири солиқ юки ва тўловларнинг қийинлиги эканлигини таъкидлаган. Электрон технологиялар бу соҳадаги жиддий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Маршалл ва Лопез (2018) электрон тўлов тизимлари ва хуфёна иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, бу тизимларнинг ривожини мамлакат бюджетига тушумларни оширишини кўрсатган.

Халқаро валюта фонди (IMF) рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши солиқ йиғимларининг шаффофлиги ва иқтисодиётни легаллаштиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Мавжуд адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, рақамлаштириш ва электрон тўлов тизимларини жорий қилиш орқали хуфёна иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар самарали бўлиши мумкин. Аммо Ўзбекистон шароитида бу жараёндаги қийинчиликлар ва камчиликларни ҳам ўрганиш талаб этилади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда рақамлаштириш орқали хуфёна иқтисодиётни қисқартириш масалалари ўрганилган бўлиб, қуйидаги методологик ёндашувлар қўлланилди:

Мавзу бўйича мавжуд миллий ва халқаро адабиётлар ҳамда манбалар ўрганилиб, уларнинг асосий қонунчилик ҳужжатлари ва илмий тадқиқотлардаги натижалари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатларда электрон тўлов тизимлари ва хуфёна иқтисодиёт кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Электрон тўлов тизимларининг ривожланиши ва уларнинг хуфёна иқтисодиётга таъсири бўйича Ўзбекистондаги статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида 2022-2023 йилларга оид Марказий банкнинг расмий кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, хуфёна иқтисодиётни қисқартириш ва электрон тўлов тизимларини янада ривожлантиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида замонавий иқтисодий таҳлил воситалари қўлланилиб, илмий-амалий хулосалар чиқарилди. Ушбу методология асосида тақдим этилган таклиф ва тавсиялар иқтисодиётнинг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида электрон тўловлардан фойдаланиш амалиёти ривожланган. Масалан, ривожланган мамлакатларда нақтсиз тўловлар ҳажми Швецияда 98 фоизга, Норвегияда 95 фоизга, Данияда 94 фоизга, АҚШда 80 фоизга, Германияда 76 фоизгага етди.

Республикамизда ушбу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам нақтсиз тўловлар улиши ошиб бормоқда. Хусусан, Россияда 83 фоиз, Қозоғистонда 86 фоиз, Озорбайжонда 56 фоиз, Қирғизистонда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур давлатларда онлайн тўловлар асосий тўлов воситасига айланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини реал вақт режимда ўтказишга ихтисослашган Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими узлуксиз ишлаб келмоқда.

Хусусан, мазкур тизим орқали товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар рўйхатини кенгайтириш, мижозлар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи идора ва ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони ҳисобот йилида 48 тага етди.

2023 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 78,0 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,3 баробарга, транзакциялар сони эса 102 млн дан ортиқни ташкил этиб, қарийб 1,2 баробарга ошди.


Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун “24/7” режимда онлайн амалга ошириш имконини берувчи Марказий банк Тезкор тўловлар тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланди.

2023 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2022 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошиб 31,4 млн тани, тўловлар ҳажми эса қарийб 1,4 баробарга ошиб 603,8 трлн сўмни ташкил этди.

Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар кўламининг ортиб бориши натижасида, ҳисобот йили якунига келиб хўжалик юритувчи субъектлар жами

тўлов ҳужжатларининг 92 фоизи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан амалга оширилган.

Ҳисоб-китоб клиринг тизими кўрсаткичлари




1-расм. Ҳисоб-китоб клиринг тизими кўрсаткичлари

Манба: Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бу эса, республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг масофадан ҳисобварақларини бошқариш орқали Тезкор тўлов тизими имкониятидан кенг қўламда фойдаланиш даражаси ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Тезкор тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



2-расм. Тезкор тўлов тизими орқал амалга оширилган транзакциялар

Манба: Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўйлаймизки, юқорида келтириб ўтилган рақамли иқтисодиётнинг ривожланишидаги асосий йўналишлар хуфиёна иқтисодиётнинг кўламини камайтириш ва ҳамма учун бир хил рақобат муҳити яратилишига хизмат қилади.

Бироқ, бугунги кунда баъзи соҳаларда хуфиёна айланмаларнинг улуши юқорилигича қолмоқда.

Хусусан, сўнги йилларда юқори суръатларда ривожланиб бораётган электрон савдо платформалари орқали реализация қилинган товарлар бўйича сотувчи ёки электрон савдо платформаси импорт товарларни жисмоний шахслар номига халқаро курьерлик жўнатмалари орқали олиб келинаётганлиги аниқланмоқда. Бу эса ҳақиқатда чет эл корхоналари томонидан республикамизда савдо фаолиятини амалга ошириб солиқ тўлашдан қочишга имконият яратаётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3512-сон қарорига асосан халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун бир чорак мобайнида 1 000 АҚШ долларида ошмаганда давлат божи ундирилмайди.

Шу сабабдан, республика бўйича 2024 йилнинг 9 ойида халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жами 389,5 минг нафар жисмоний шахслар номига 99,5 млн АҚШ доллари миқдорига товарлар олиб келинган (Божхона қўмитаси маълумотлари).

Бу борада хорижий мамлакатлар хусусан, Беларус Республикаси 2024 йил 1 январдан бошлаб ва Россия Федерацияси 2024 йил 1 июлдан бошлаб ўз қонунчилигига ўзгартириш киритди.

Унга мувофиқ, электрон платформалар (маркетплейс) орқали маҳсулотлар реализация қилинганда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ мажбурияти харидорнинг жойлашган манзилидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгиланди.

Республикамизда ҳам бугунги кунда жисмоний шахсларга электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи халқаро компаниялар (Google, Meta, Netflix, Amazon, Facebook ва бошқалар) солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган ва улар томонидан жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлаб берилмоқда (tax.uz, n.d.).

Ўзбекистонда электрон хизматлар кўрсатувчи 61 та хорижий компания томонидан 2024 йил январь-сентябрь ойларида 101,9 млрд сўм солиқ тўланган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 баробар кўп (Солиқ қўмитаси, n.d.).

Бироқ, электрон савдо платформалари орқали жисмоний шахсларга реализация қилинган товарлар бўйича солиқ ундириш имконияти мавжуд эмас.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, хуфиёна айланмаларнинг улушини қисқартириш орқали давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Аҳолига хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотлари, газ ва нефть маҳсулотини сотувчи ва мулкни ижарага берувчи юридик шахсларни мажбурий тартибда электрон тўлов тизимларига ўтказиш ҳамда тўловларни улар орқали амалга ошириш имкониятини яратиш;

2. Тўлов тизимини амалга оширишни соддаларштириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида ягона карта тизимини жорий қилиш;

3. Электрон савдо платформалари орқали реализация қилинган товарлар бўйича сотувчи ёки электрон платформалар (маркетплейс) рўйхатдан ўтказилган ҳудудидан қатъий назар ушбу товарларнинг харидори бўлган жисмоний шахслар турган жой Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса қўшилган қиймат солиғи тўловчиси деб эътироф этиш.

Ушбу таклифларнинг амалга киритилиши электрон тўлов тизимларини янада оммалаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларнинг улушини қисқартиришга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Lex.uz. (2018). ПҚ-3512-сон 06.02.2018. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/3551264>

Marshall, G., & Lopez, T. (2018). Digital Payments and Economic Transparency. *Journal of Economic Perspectives*, 32(4), 45-62.

Schneider, F., & Enste, D. H. (2013). *The Shadow Economy: An International Survey*. Cambridge University Press.

Tanzi, V. (1999). Uses and Abuses of Estimates of the Underground Economy. *Economic Journal*, 109(456), 338-340.

tax.uz (n.d.) www.tax.uz сайти

Каримов, И., ва Норбоев, А. (2020). Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт: Хуфёна иқтисодиётни қисқартиришнинг янги йўналишлари. *Иқтисодиёт ва молия журнали*, №3, 45-52.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича қарор (ПҚ-109-сон).

Солиқ қўмитаси (n.d.) Солиқ қўмитасининг “Фискал таҳлиллар” телеграм гуруҳи.